

ШАРТНОМА №

(даврий нашрларни обуначиларга етказиб бериш тўғрисида)

Тошкент шаҳри

2022 йил _____

_____ кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади, _____ асосида ҳаракат қилувчи директор _____ шахсида бир томондан ва “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади, Устав асосида ҳаракат қилувчи директор Ф.Тожиёв шахсида иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Буюртмачи” топшириғига асосан “Ижрочи” тасарруфидаги барча курьерлик хизматларини амалга оширувчи ходимлари ва транспорт воситалари орқали ушбу шартномада кўрсатилган “Инсон ва қонун газетаси”, “Ҳуқуқ ва бурч” ижтимоий-ҳуқуқий журнали ва “Қонунчилик тўплами” даврий ҳамда расмий нашрлар (бундан буён — товарлар)ни “Буюртмачи” номидан Тошкент шаҳрида белгиланган манзилдан Сирдарё вилояти бўйича обуначиларга етказиб беради, “Буюртмачи” эса ушбу хизматлар ҳақини мазкур шартномада кўрсатилган тартибда тўлайди.

1.2. Ушбу шартнома доирасида товар деганда даврий босма нашрлар — газета, журнал ёки доимий (ном), жорий рақамга (индекс) эга бўлган ва олти ойда камида бир маротаба чоп этиладиган бошқа нашрлар тушунилади.

1.3. Ушбу шартнома бўйича товарлар ўлчов бирлиги сифатида календар ой ичида чиқадиган бир даврий нашрнинг (1 комплект) товарлар партияси тушунилади.

2. ШАРТНОМА БАҲОСИ

2.1. Шартноманинг умумий баҳоси: _____ сўм, _____ тийин ҚҚС билан.

2.2. Шартнома баҳоси инфляция, хом ашё ва хизматлар нархининг ўзгариши натижасида тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Шартнома баҳосининг ошиши билан боғлиқ ҳаражатлар Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида белгиланган тартибда қопланади.

3. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

3.1. Буюртмачи шартнома баҳосининг 30% ни ушбу шартномага асосан пул ўтказиш йўли билан шартнома имзоланган санадан бошлаб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида рўйхатга олинishi лозим бўлганда, тегишли ғазначилик бўлими томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб 10 банк иш кунидан кечиктирмасдан Ижрочининг ҳисоб рақамига олдиндан ўтказилади.

Шартнома баҳосининг қолган 70% қисми даврий нашрнинг ҳар бир сони буюртмачининг манзилидан олиб чиқиб кетилган кундан бошлаб, 365 кун давомида тўланади.

3.2. Тўлов тўлов топшириқномаси асосида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1. Ижрочи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган ишларни буюртмачидан даврий нашрнинг ҳар бир сонини қабул қилиб олганидан сўнг 3 (уч) иш куни ичида бажаради.

4.2. Буюртмачи даврий нашрларнинг ҳар бир сони ижрочи томонидан обуначиларга етказиб берилганидан сўнг, ушбу шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган муддат давомида тегишли тўловлар амалга оширилишини таъминлайди. Товарларни етказиб бериш жараёнида мазкур шартномада назарда тутилмаган ҳолда Ижрочи томонидан бажарилган кўшимча хизматлар ҳақи Ижрочи талаб қилган муддатда ва миқдорда Буюртмачи томонидан қопланади.

5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

5.1.1. Ўз кучи ва маблағлари ҳисобидан ушбу шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган муддатда ва 2.1-бандда кўрсатилган ҳажмда барча ишларни бажариш ва топшириш;

5.1.2. Товарларни қабул қилиб олишда аниқланган камчиликлар ҳақида далолатнома расмийлаштириб, Буюртмачини 48 соат давомида хабардор этиш;

5.1.3. Даврий нашрларнинг ҳар бир сонини обуначиларга етказиб бериш натижалари бўйича ҳисоботни Буюртмачининг молия-иқтисод бўлимига ҳар ойнинг 25 санасига қадар тақдим этиш.

5.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

5.2.1. Буюртмачидан бажарилган ишлар учун ушбу шартноманинг 3.1, 3.2-бандларида кўрсатилган тартибда ва муддатларда ҳақ тўлашни талаб қилиш;

5.2.2. Буюртмачидан даврий нашрларнинг ҳар бир сони бўйича тираж миқдори ва обуюначиларнинг жойлашган манзиллари бўйича батафсил маълумот олиш.

5.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.3.1. Шартномада ва унинг ажралмас қисми ҳисобланувчи бошқа ҳужжатларда белгиланган ҳажмда ва муддатда Ижрочидан бажарилган ишлар натижасини қабул қилиш.

5.3.2. Нашриёт томонидан даврий нашрлар тайёр эканлиги ҳақида хабар берилганидан бошлаб 3 кун ичида товарларни қабул қилиб олиш ҳақида Ижрочига маълум қилиш.

5.3.3. Ушбу шартноманинг 3.1, 3.2-бандларида кўрсатилган муддатда ва тартибда ҳақ тўлаш.

5.3.4. Товарлар босмаҳонада чоп этилганидан сўнг, 3 кундан кечикмай унда аниқланган камчилик ва нуқсонлар ҳақида Ижрочини огоҳлантириш.

5.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

5.4.1. Даврий нашрнинг электрон файллари тасдиқланиб, чоп этилгунига қадар уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

5.4.2. Ижрочидан обуюна маҳсулотларини етказиб беришда аниқланган камчиликларни ўз кучи ва имкониятлари билан бартараф этишни талаб қилиш.

5.5. Ижрочи ва Буюртмачи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ

6.1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкрий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

6.2. Агар шартнома бўйича бир тараф Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: “1008” ишонч телефони, телеграм-канал (`@anticorbot`), Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплайди.

7.2. Буюртмачи обуюначиларга етказиладиган босма маҳсулот(лар)нинг ҳар бир сон бўйича тираж нусхаларини ўз вақтида топширмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,1 фоизи миқдорида, лекин шартнома умумий баҳосининг 10 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

7.3. Буюртмачи тўлов интизомини бузган тақдирда тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган пул суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин кечиктирилган пул суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

7.4. Ижрочи томонидан ишларни бажариш ва тайёр маҳсулотни обуюначиларга топшириш Буюртмачининг розилигисиз ушбу шартномада кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома умумий баҳосининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин унинг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

7.5. Неустойкани тўлаш тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки етарли даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида

жавобгар эмасдир. Бундай ҳолатлар жумласига эпидемиялар, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар киради.

8.2. Ваколатли орган томонидан берилган гувоҳнома энгиб бўлмас куч мавжудлиги ва амал қилишининг давомийлигини тасдиқлаш учун етарли ҳужжатдир.

8.3. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф энгиб бўлмас кучнинг мавжудлиги ва унинг шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим. Агар энгиб бўлмас куч ҳолатлари узлуксиз 15 кун давомида амал қилиб турса ва яқин муддат ичида бекор қилиниши эҳтимоли бўлмаса, мазкур шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафга ёзма билдиришнома юбориш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар музокаралар асосида ёки талабнома билдириш тартибига риоя қилинган ҳолда ҳал этилади.

9.2. Билдирган талабномасига қонунда белгиланган бир ойлик муддат ичида жавоб олмаган ёки талаблари қаноатлантирилмаган тақдирда, ҳуқуқи бузилган деб ҳисобловчи тараф низони ҳал қилиш учун даъво аризаси билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли.

10. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

10.3. Шартномани бир тарафлама бекор қилишга Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

10.4. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Ижрочининг биргаликдаги келишувига мувофиқ обуначиларга етказиб берилиши тугалланмаган босма маҳсулотлар Буюртмачига топширилади ва у биргаликда келишилган ҳажмда бажарилган ишлар қийматини Ижрочига тўлаши лозим.

10.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 30 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

11. БОШҚА ШАРТЛАР

11.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

11.2. Шартнома тарафлар уни имзолаган кундан бошлаб, шартнома Молия вазирлигининг ғазначилик бўлимларида рўйхатга олинishi лозим бўлганда, тегишли ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

12. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ


“Ижрочи”

“Буюртмачи”

“Адолат” миллий ҳуқуқий
ахборот маркази давлат муассасаси
Манзили: Тошкент шаҳар, Амир Темур
шоҳкўчаси, 19-уй

Х/р: 20212000300125676003

“Микрокредитбанк” АТБ Бош офиси,
МФО 00433, ИНН 201453166,
ОКЭД 63110, РКП НДС: 326010014912

Директор  Ф. Тожиев

Юрисконсульт  Ч.Юлдашева